

Абул Фазл Мансур ибн Наср



13:30 / 20.06.2021 1789

Шайх Абул Фазл Мансур ибн Наср ибн Абдурахим ибн Матта Самарқандий Коғазий. Самарқанддаги санад соҳибларидан. Мансурий қоғози (олий навли) шу кишининг номларига нисбат берилган.

Ҳайсам ибн Кулайб Шоший ва Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Жаммолдан ҳадис ривоят қилганларнинг охириларида бўлиб, қарийб юз йил умр кўрганлар.

Бу кишидан Абул Ҳасан ибн Хизом, Абу Исҳоқ Асбаҳоний, Абу Бакр Ҳасан ибн Ҳусайн Бухорий, фақиҳ Абу Бакр Шоший ва бир қатор Мовароуннаҳр аҳли ҳадис ривоят қилганлар.

Коғазий 423 йил зулқаъда ойида Самарқандда вафот этганлар.

Шу йили Абул Қосим Абдуррахмон ибн Убайдуллоҳ Хурфий, Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад Қувмисоний, Абул Фараж Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Шаҳриёр, муаллим Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳаснувайҳ ва Асқалонда Исмоил ибн Ражо каби олимлар ҳам боқий дунёга рихлат қилишган.

«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан